

## Самарқанд вилоятида энг катта масжид барпо этилди



10:02 / 23.08.2020 1738

Аллоҳ таолонинг марҳамати ила яқин кунларда юртимиздаги масжидлар сони яна биттага кўпаяди. Самарқанд вилояти Ургут туманида катта ва кўркем қилиб қурилган масжидда айна кунларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда [kun.uz](http://kun.uz) мухбири хабар берди.

Ургут тумани бош имом хатиби ноиби Ҳусниддин Ибрагимовнинг маълум қилишича, ушбу масжид хонақоҳи 55x45 метр ўлчамда қурилган бўлиб, хонақоҳнинг икки четида 18x45 метр ўлчамда айвон ҳам тушган. Масжид хонақоҳи ўртасидаги гумбазнинг баландлиги 36 метр, масжид четида жойлашган тўртта миноранинг ҳар бири 40 метрдан баландроқ.

Масжидда бир вақтнинг ўзида 10 мингга яқин одам сиғиши мумкин. Масжид ҳовлисида намозхонлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган замонавий таҳоратхона ҳамда ходимлар учун икки қаватли маъмурий бино қурилган. Атроф ободонлаштирилиб, манзарали дарахтлар ва гуллар экилган.

«Ушбу масжид Ургут халқига ажойиб тўхфа бўлди. Бугун масжидда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Муслмонлар идораси ва Диний қўмита билан маслаҳатлашган ҳолда, уларнинг рухсати билан масжиднинг

очилиш маросимини ўтказамиз. Масжидга ҳали ном берилмаган. Маслаҳатлашиб, унга ном қўйилади», дейди Ҳусниддин Ибрагимов домла.

Маълумот учун, Ургутда қурилган бу масжид Самарқанд вилоятидаги энг катта масжид бўлади.





***Ғайрат Йўлдош тайёрлади***